

## Олий Таълимда Инновацияларни Жорий Этишнинг Ижтимоий-Педагогик Зарурияти Ва Асослари

*Турсунов Миркамол Турдалиевич<sup>1</sup>*

**Аннотация:** В статье обоснованы особенности внедрения инновационной деятельности в систему высшего образования и препятствия к инновациям. Исследованы цель и основные функции инновационного образования.

**Ключевые слова:** Наука, образования, интеграция, национальная программа, национализация содержания образования, высшая обучения, современная обучения, инновация, интерактивные методы, технология, коммуникация.

Янги педогогик технологияларнинг ривожланиши натижасида таълим тизимида рационал ишлаб чиқилган ва олиб борилаётган ўқитиш жараёни анъанавий дарслардан фаркли ўларок янгича интерфаол усулда ўтилмоқда. “Ёш авлод ушбу ўзгариб турган ижтимоий воқеликни, жадал ривожланиб бораётган фан янгиликларини тўғри ва тўлиқ ўзлаштиришда таълим-тарбиянинг аҳамияти катта. Таълим-тарбия, аввало ёшларга, ҳаёти давомида муҳим аҳамиятга эга бўлган, мустақил фикр юритиш асосларини ўргатади...”[1: 6-б].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўнги йилларда таълим соҳасини ислох қилишга, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қарата бошлади. Бу борадаги ислохотлар 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент Қарорларида ўз аксини топган. Эътибор берадиган бўлсак, мазкур қарорларда узлуксиз таълим тизимининг деярли барча турлари қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Қолаверса, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам таълим соҳасини тубдан такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Бугунги кунда замонавий таълим муассасалари олдида турган асосий вазифалардан бири жамият ва давлат буюртмаларини, таълим жараёни иштирокчиларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган таълим инновацияларини яратиш ҳамда жорий этишдир.

Инновацион таълим муассасаси рақобатбардош бўлади. Бу эса, ОТМнинг турли таълим дастурларига интеграциялашувга лаёқатли ва юқори малакали педагог кадрлар билан таъминланган эканлигини кўрсатади. Инновацион ОТМ, албатта, инновацион фаолият олиб боради, хусусан янги натижаларга эришишга имкон берувчи янги таълим технологияларини, янги дастур ва услубийларни ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этади.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, таълим тизимини янада ривожлантириш ва замонавийлаштириш, маънавий етук ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда инновацион фаолиятнинг ўрни беқиёс. Чунки, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барча турларининг сифати ва такомиллашувининг бевосита олий таълим тизимида инновацион фаолиятнинг самарали ташкил этилиши билан узвийди. Рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда инновацион янгиликларнинг ўта муҳимлиги, ижтимоий-иқтисодий фаолият самарадорлиги ва натижавийлиги бевосита инновацион фаолият билан чамбарчас боғлиқлиги, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлашнинг асосий дастакларидан бири эканлиги каби кўрсаткичлар таълимда инновацион менежментнинг қай даражада муҳимлигидан далолат беради.

Олий таълим тизимида инновацияларга қарши тўсиқларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- кўпчилик ишловчиларнинг ютуққа эришишга эмас, балки мағлубиятлардан қочишга интилиши;
- таваккалчилик ва қийинчиликлардан қўрқиш;
- “чет элдан сотиб олиш осонроқ”, “ҳар қандан янги ташаббус жазоланади”, деганга ўхшаш фикрларнинг бўлиши;

<sup>1</sup> Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

- ўзини-ўзи ривожлантиришга қизиқишнинг йўқлиги;
- кўпол муомала маданияти ва хусусан талабалар билан ўзаро алоқаларда бир-бирини тушунмаслик;
- стереотипликка боғланиб қолиш;
- ўзининг касбий вазифаларини (ўзининг ўқитувчилик миссиясини) тушунмаслик ва натижада меҳнатдаги фаолликнинг тўлиқ бўлмаслиги;
- 10 - 15 йиллик ўқитувчилик фаолиятида шаклланган руҳият ҳисобига, ўзгарувчан, кўп даражали рефлексияга қодир бўлмаслик.

Ўқитувчи меҳнатининг махсулдорлигини ва унинг оптимал ижодий салоҳиятини нафақат объектив, ёки субъектив тавсифлари, балки педагогнинг касбий меҳнатининг ана шу таркибий қисмлари ҳам (акмеологик инвариантлар) белгилаб беради.

Фикримизча, инновацион таълимнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- талабанинг юқори даражадаги интеллектуал, шахсий ва маънавий ривожланишини таъминлаш;
- илмий йўналишда фикрлаш кўникмаларига эга бўлиш учун шароитларни яратиш;
- ижтимоий-иқтисодий ва касбий соҳаларда янгиликлар киритиш услубиётини ўргатиш.

Инновацион таълимда “касбий маҳорат” тушунчаси асосий тушунчалардан ҳисобланади. Олий мактаб педагогикасида касбий маҳорат сифат призмаси, сифат меъёри, эталон даража орқали тушунилади. Педагогларнинг кўпчилиги касбий маҳорат деганда қуйидагиларни тушунади:

- касбий вазифаларни ҳал қилишда маълум даражада усталлик;
- ўз касби чегарасида тўхтовсиз, ишончли фаолият олиб бора олиш қобилияти;
- ностандарт ҳолатларга ижодий ёндошиш, самарали ечимларни қидириш;
- ривожланишнинг юқори интеллектуал-шахсий даражаси;
- махсус, юқори малака ва компетенцияга эга бўлиш[2: 8-16-б].

ОТМдаги анъанавий таълим жараёни талабага фанлар бўйича билим беради, бу билимларни аниқ касбий фаолиятга боғланиши фақатгина курс ишларини бажариш, ишлаб чиқариш ва битирув малака иши олди амалиётини ўташ вақтидагина юзага келади. Бундай шароитда талабага аниқ касбий билимлар бериш ва унинг сифатини таъминлаш анча қийин. Инновацион таълим эса инновацион ўзгаришларни ўзлаштириш жараёнида касбий билимларни ва сифатни шакллантиришга йўналтирилган. Шундай қилиб, профессионализм тушунчаси битирувчи ўзи ўқиш жараёнида йиққан интеграл сифат кўрсаткичи бўлиб қолади. Талаба ўзини мутахассис сифатида англаши, таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, ўзини-ўзи ривожлантиришни мотивациялашни кучайтиради, ўқиш жараёнини ривожланаётган шахснинг эҳтиёжларини қондириш манбаига айлантиради. Натижада, талаба формал-ҳуқуқий (талаба таълим субъекти сифатида) ҳолатидан ҳақиқий антропоцентризм (талаба ўз ҳаётий фаолиятининг субъекти) ҳолатига ўтади.

Шундай қилиб, инновацион таълим ўқув жараёнини худди ўз касбининг ижтимоий ва умуммаданый билимлари ва кўникмаларидан (касбдан маданиятга) касбий масалаларни ечиш йўллари ва усулларини тушунишга, ундан ўз касбий фаолиятининг сифат ўзгаришларига олиб келадиган услубиётни эгаллашга ҳаракатлантириш (технологиядан инновацион фикрлашга) имконини беради[3: 47-б].

Инновацион фикрлаш талабада, агар у, биринчидан ўқишга фаол мотивация қилинган бўлса, ўзининг ҳаётда олдида қўйган мақсадларига эришиш учун шахсий ўзини-ўзи бошқариш имкониятларини ишга солади; иккинчидан, агар ўқув жараёни касбий фаолиятнинг бутун ҳаётий циклини унинг янгиликлари ва қарама-қаршиликлари билан акс эттирсин.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси инновацион таълимнинг етакчи функциялари деб, қуйидагиларни ҳисоблаш мумкинлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради:

- талаба ва педагог шахсини жадал ривожлантириш;
- уларнинг биргаликдаги фаолияти ва мулоқотини демократлаштириш;
- ўқув-тарбия жараёнини гуманизациялаштириш;
- ўқитишга ижодий ёндошиш ва фаол ўқиш, талабада ўзини бўлғуси мутахассис сифатида шаклланишига бўлган ташаббусни ошириш;
- ўқитишнинг бўлғуси мутахассисда инновацион фикрлашни шакллантиришга имкон берадиган воситалари, усуллари, технологиялари ва моддий базасини модернизациялаш;

Қуйидагилар ўқитувчиларнинг педагогик компетентлиги ўсишининг ташкилий-педагогик шартлари ҳисобланади:

- ўқитувчи томонидан ўқитиш технологиясининг психологик-педагогик асосларини англаш;
- технологик типда ўқув жараёни тизимини ташкил этувчи таркибий унсурларни англай олиш;
- ўз фаолиятидаги самарасиз иш усулларини англаш, таҳлил қилиш ва йўқотиш;
- амалий фаолиятда инновацион технологияларнинг шакллари, усулларини ва воситаларини қўллаш;
- ўқитиш сифатини таҳлил қилиш, аудиторияда эски, қолоқ иш усулларини аниқлаш ва уларни йўқотиш;
- касбий фаолиятдаги стереотипликни англаш ва йўқотиш[4: 28-б].

Замонавий ОТМ ўқитувчиси ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчини, ўзининг касбий миссиясини бажара олиши керак. Бу эса ўқитувчининг ўзини-ўзи такомиллаштиришида, шунингдек, талабалари ривожланишлари учун ҳам имкониятларнинг яратиб берилишида ўз аксини топади. Замонавий ўқитувчилардан ўзини-ўзи ривожлантира

оладиган, таълимнинг очик ижтимоий буюртмалари доимий ўзгариб турадиган шароитда ўзгаришларга тез мослаша оладиган, ўзининг касбий ишини яхши тушунадиган, устувор педагогик фаолият олиб бора оладиган, доимий қайта тайёрланиш ва янгилинишга тайёр ва шунга кодир бўлиш талаб этилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, жамятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар талабалар шахсини хар томонлама интеллектуал ва маънавий ривожлантиришга қаратилган мутахассисларни тайёрлашни талаб қилмоқда. Бундай таълимни ташкил этишни фақатгина инновацион технологиялар асосида шахсга йўналтирилган ўқишга ўтилгандагина таъминлаш мумкин.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар:**

1. Shomurotov, S. S. O. (2021). The Need for Formation of Knowledge on the Effective Use of Water Resources in Young People in the Process of Globalization.(in the Example of the Aral Sea). *International Journal of Human Computing Studies*, 3(2), 89-91.
2. SHOMUROTOV, S. S. O. (2021, April). FIRST STEPS FOR MODERNIZATION OF WATER FARMING IN THE REPUBLIC: ACHIEVEMENTS AND CHALLENGES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 4, No. 1, pp. 152-155).
3. Shomurotov, S. S. O. (2021, February). Some Environmental Problems Related To Land And Water Resources In Uzbekistan. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 39-41).
4. SHOMUROTOV, S. S. O. Construction and Changes in Canals and Pumping Stations in Uzbekistan. *JournalNX*, 7(1), 262-266.
5. Шомуротов, Ш. (2021). Историческое значение реформ, осуществляемых в водной системе Узбекистана. *Общество и инновации*, 2(3/S), 458-465.
6. Шомуротов, Ш. (2021). Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотларнинг тарихий аҳамияти. *Общество и инновации*, 2(3/S), 458-465.
7. Sarvarbek, Z. (2022). THE STRUCTURE OF THE CONCEPT OF HAPPINESS IN METALINGUISTIC COVERAGE ON THE EXAMPLE OF THE PERCEPTION OF SCHOOLCHILDREN. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 444-446.
8. Obidovich, N. F., Qodiraliyevich, A. N., & Valijon o'g'li, M. T. (2021). E-LEARNING ENVIRONMENT TO PREPARE FUTURE TEACHERS OF COMPUTER SCIENCE IN PEDAGOGICAL ISSUES. *E-LEARNING*, 8(4).
9. Нажмиддинов, Ф. О., & Абдуллаев, Н. К. (2020). ИСТОРИЯ СИМПЛЕКС-МЕТОДА. *Интернаука*, (13-1), 6-8.
10. Исамитдинов, С. С., & Нажмиддинов, Ф. О. (2017). ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В УЧРЕЖДЕНИЯХ СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *Ученый XXI века*, 82.
11. Kobilova, E., Sobirova, O., & Najmiddinov, F. (2021). The importance of music education in the formation of musical culture and spirituality. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(1), 698-703.
12. Исамитдинов, С. С., & Нажмиддинов, Ф. О. (2016). Дидактик ўйинлар тахлили. Молодой ученый, (3-1), 7-8.
13. Abdurasulov, A. A. (2020). ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF CORPORATE GOVERNANCE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF ADVANCED FOREIGN COUNTRIES. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(9), 298-303.
14. Abdukarimovich, A. A. (2022). CORPORATE PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF EFFECTIVENESS OF HIGHER EDUCATION MANAGEMENT: Abdurasulov Abdullajon Abdukarimovich. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 1(2), 80-85.
15. Abdukarimovich, A. A. (2022). Content of the corporate governance system, foreign experience and efficiency of its implementation. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(5), 240-244.
16. Abdukarimovich, A. A. (2021). Problems of Power and Administrative Governance in Higher Education of Uzbekistan and the Need for Modernization of the Governance System. *Middle European Scientific Bulletin*, 11.
17. Abdukarimovich, A. A. (2022). THE EFFECTIVENESS OF THE IMPLEMENTATION OF THE CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE*, 1(3), 120-125.
18. Abdukarimovich, A. A. (2020). METHODS OF MANAGING EMPLOYEES IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS ON THE BASIS OF CORPORATIVE CULTURE. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(11).